

Президент савдо мажмуасидаги нархлар ва хизматларни кўздан кечирди



Президент Шавкат Мирзиёев жойларга чиққанда халқ ичига кириб, аҳоли турмуш даражасини яқиндан ўрганади. Турмуш даражаси эса, аввало, ички бозордаги маҳсулотларда, нарх-навода намоён бўлади.

Янги йил арафасида Қарши шаҳрида кўп қаватли савдо мажмуаси ишга тушган эди. Унда озиқ-овқат, маиший техника, хўжалик моллари дўконлари ва кўнгилочар масканлар жойлашган.

Бугун Президентимиз ушбу мажмуага ташриф буюриб, озиқ-овқат ва маиший техника дўконларини кириб кўрди. Маҳсулотларнинг сифати ва нархларига эътибор қаратди. Уларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини юқори баҳолади.

Харидорлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ва хизматлар ҳақида уларнинг фикрлари билан қизиқди.



Ўзбекистон Республикаси
МАТБУОТ ХИЗМАТИ



ENG ZOR NARX
Айва отборная
22990

ENG ZOR NARX
Гала Польша
18990

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги
МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Манба